



ХУДУДИЙ ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ВА УЛАРНИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Тошмаматова Маржона Олимжон қизи
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада ҳудудий туризм хизматларини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш, ҳудудий туризм хизматларини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ва омиллари, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда туризм хизматларини роли, ҳудудларда туризм хизматларини ривожлантиришга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиш, шунингдек янги хизмат турларини тадбиқ этиш, туристик ресурслардан мақсадли фойдаланиш, ҳудудий туризм хизматларини такомиллаштиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш, туризм хизматларини рақамлаштириш, туризм хизматлари бозорини тартибга солишнинг илмий-услубий ёндошувлари тўғрисида фикр ва мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: инновацион, рекреацион ҳудудлар, туристик ресурс, хориж тажрибаси, замонавий хизматлар, асосий тамойиллар, барқарор иқтисодиёт, рақамли хизматлар.

ЗАРУБЕЖНЫЕ ЭКСПЕРИМЕНТЫ ПО РАЗВИТИЮ РЕГИОНАЛЬНЫХ ТУРИСТИЧЕСКИХ УСЛУГ И ИХ ПРИМЕНЕНИЮ В НАШЕЙ РЕСПУБЛИКЕ

Тошмаматова Маржона Олимжон қизи
Базовый докторант Ташкентского
государственного экономического университета

Аннотация. В данной статье проведено исследование зарубежного опыта развития региональных туристических услуг, рассмотрены основные принципы и факторы развития региональных туристических услуг, роль туристических услуг в устойчивом развитии экономики, привлечение прямых инвестиций в развитие туристических услуг в регионах, основные направления развития региональных туристических услуг, создание новых рабочих мест, а также внедрение новых видов услуг, представлены отзывы и рецензии на научно-методические подходы к регулированию рынка туристических услуг.

Ключевые слова: инновации, рекреационные зоны, туристический ресурс, зарубежный опыт, современные услуги, базовые принципы, устойчивая экономика, цифровые сервисы.

FOREIGN EXPERIMENTS ON THE DEVELOPMENT OF REGIONAL TOURISM SERVICES AND THEIR APPLICATION IN OUR REPUBLIC

Toshmamatova Marjona Olimjon kizi
Base doctoral student of Tashkent State University of Economics

Annotation. In this article, the study of foreign experiences in the development of regional tourism services, the basic principles and factors of the development of regional tourism services, the role of tourism services in the sustainable development of the economy, the involvement of direct investments in the development of tourism services in regions, the creation of new jobs, as well as the implementation of new types of services, feedback and feedback on the scientific and methodological approaches to the regulation of the tourism services market are presented.

Keywords: innovation, recreational areas, tourist resource, overseas experience, modern services, basic principles, sustainable economy, digital services.

Кириш.

Жаҳонда туризм хизматлари бозорини ривожлантиришга асосий тўсиқ бўлиб келаётган муаммоларни аниқлаш ва уларнинг самарали ечимларини излашга қаратилган тадқиқотларни ўтказиш ҳозирги даврда устивор йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу жараёнда ҳудудий туризмга минтақада ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда ва миллий иқтисодиётда туризмни ривожлантиришнинг самарали моделини ишлаб чиқишга алоҳида этибор берилмоқда. Бунда ҳудудий туризмга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш ва туризмнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш муҳим масалалар қаторига киритилган.

Туризм соҳаси иқтисодий самарадорлигининг ошиши туризм хизматларининг ҳар томонлама ривожланганлигида кўринади, яъни бунга туризмнинг мамлакатдаги бошқа ижтимоий-иқтисодий тармоқлар билан параллел равишда ва ўзаро алоқада ривожланиши натижасида эришилади. Туризм соҳаси маҳаллий аҳоли ҳамда хорижий фуқоролар борадиган минтақаларнинг тарихи, у ердаги тарихий архитектура объектларлари, маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, анъаналари, маросимлари бўйича кишилар билимларини ошириш, зиёратгоҳ жойларни зиёрат қилиш, соғломлаштириш хизматларидан фойдаланиш билан бир қаторда шу мамлакат ёки минтақа иқтисодиётига бевосита валюталар оқимини олиб келиш, маҳаллий аҳолининг яшаш шароитини ошириш ва уларни иш билан таъминлашга кўмаклашади. Туризм соҳаси миллий иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи сифатида ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унинг маҳсулоти муайян турдаги хизматлардан фойдаланишга бериладиган ҳуқуқ бўлиб, бу хизматларнинг ўзи эса иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида яратилади.

Бугунги кунда республикамизда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, инновацион ривожлантиришга қаратилган ислоҳатлар натижасида туризм соҳаси ҳам янги босқичга кўтарилди. Мамлакатимизда туризм фаолиятини равнақ топтириш масаласи бўйича муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, 2022 йил 18 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-75-сон Фармони, 2022 йил 18 февралда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризм ва маданий мерос вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-135-сон Қарори, 2022 йил 4 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-232-сон Қарори қабул қилинди.

Адабиётлар шарҳи.

Ҳудудий туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш хусусида дунёнинг етакчи олимларидан Сурков ва Криворучконинг (2009) “Международный туризм в России: проблемы развития и управления” номли асарида Россияда халқаро туризм бозори ривожланишининг асосий йўналишлари ва интеграцион жараёнлар, туризм индустрияси субъектлари фаолияти, халқаро туризмни тартибга солиш механизмлари, халқаро туристик сиёсатнинг мақсадлари, вазифалари ва устувор йўналишлари бўйича тадқиқотлар ўтказилган (Г.Сурков ва Криворучко, 2009). Шунингдек мамлакатимизнинг етакчи олимлари Абдувоҳидов (2019) “Туризм ривожланишининг таҳлили ва прогнози” номли мақоласида туризм соҳасини ривожланиши бир қанча иқтисодий-ижтимоий омиллар билан боғлиқ эканлигини, “Барча соҳаларда бўлгани каби туризмда ҳам ҳал қилиниши керак бўлган қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд, албатта. Логистика, инфратузилма, меҳмонхона ва тезюрар поездларда жой етишмаслиги, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, туризм тармоғи кадрлари салоҳиятини ошириш билан боғлиқ қатор муаммолар ечими изланмоқда” эканлигини айтиб ўтган. (Абдувоҳидов, 2019) Алимова (2017) ўзининг “Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари” номли докторлик диссертациясида туризм бозорида талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, маркетинг концепцияси орқали туристик маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, туризм соҳаси ривожланишининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ҳамда ҳудудий туристик кластерни шакллантириш бўйича илмий мулоҳазалар келтирилган (Алимова, 2017) ҳамда туризм ривожланишининг иқтисодий самарадорлигини ошириш омиллари, глобаллашув жараёнларининг туристик фаолиятга таъсири ва туризм дестинацияси ривожланиш хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, И.С.Тухлиев, Р.Ҳайитбоев,

Б.Ш.Сафаров ва Г.Р.Турсунованинг тадқиқотлари мамлакатимизда туризм соҳасини ва индустриясини ривожлантириш, туристик-рекреацион хизматларни кенгайтиришга қаратилган бўлиб, уларда туризмда рекреацион хизматларнинг шаклланиши масалаларига атрофлича эътибор қаратилган. (Тухлиев, Ҳайитбоев ва бошқ. 2014) Мазкур тадқиқотларда туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш масалалари ёритилган. А. Амонбоев, Д.И. Абидова ва Н.А. Жураева илмий ишларида туризм дам олиш структурасини яратади, у нафақат туристлар томонидан, балки маҳаллий аҳоли учун ҳам фойдаланилиши мумкин, янги туристик марказларнинг пайдо бўлиши сервис савдо марказларининг пайдо бўлишига, йўлларнинг қурилишига, ҳордиқ чиқариш корхонларининг вужудга келишига олиб келади ва у ўраб турган инфратузилмага, истеъмол бозорига ва бошқа тадбиркорлик фаолиятларига ижобий таъсир кўрсатади (Амонбоев, Абидова ва бошқ. 2019) деган фикрларни билдиришган. Дустмуродов(2022)нинг илмий ишларида Тадқиқотлар натижасида миллий туризм хизматлар бозорининг ривож-ланишига иқтисодий ва ижтимоий омиллар бевосита таъсир қилиши аниқланди. Айнан мана шу омиллар хорижий туристнинг миллий туристик маҳсулотга бўлган талабини ва қизиқишини қондиришга ёрдам беради. Дарҳақиқат, туристлар фақат мамлакатнинг иқтисодий ислохотларга бўлган қизиқишини қондириш учун келмайди, балки мавжуд табиий, тарихий объектларини кўришга ва унинг маданиятини, қадриятларини, турмуш тарзини ўрганиш мақсадида ташриф буюришади (Дустмуродов, 2022) деган фикрни такидлайди.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот ишида инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши шароитида ҳамда жаҳонда юз бераётган турли салбий иқтисодий ўзгаришлар, туризм соҳасини комплекс ривожлантириш, ҳудудий туризм ривожланишининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, туризм хизматларини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ва омиллари ўрганилиб, мазкур йўналиш бўйича иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг фикрларига таянган ҳолда таҳлил ва синтез, кузатиш, гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, расмий-мантқиқий, операцияларни тадқиқ этиш, статистика ва иқтисодий таҳлил каби усуллар орқали туризм соҳаси ривожланишининг ўстувор йўналишларини белгилаш таклиф этилган. Шунингдек, ҳудудларда туристик объектлар фаолиятини самарали ташкил этиш, туристик инфратузилмаларни оқилона ривожлантириш ва сифатли кадрларни тайёрлаш ҳамда туризм индустрияси ривожланишини қўллаб-қувватлаш даражалари бўйича омилларга оид аниқ тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бугунги кунда жаҳон тажрибасидан шуни кузатишимиз мумкинки туризм индустрияси даромадлиги жиҳатидан самарали тармоқлигини исботлаб бўлди. Бунга яққол мисол қилиб. Европанинг бази давлатларини хусусан, Франция, Испания, Италия, Англия ва шунингдек дунёнинг бошқа давлатларини АҚШ, БАА, Сингапур, Малайзия, Хитой, Туркия, Таиланд каби давлатларни келтириб ўтишимиз мумкин. Юқорида келтирилган давлатларда туризм соҳасидан олинадиган даромад сезиларли даражада юқори ҳисобланиб, ялпи ички маҳсулотигади улуши 10-15 фоизни ташкил этади.

Жаҳон туризм бозори фаолияти тажрибасининг илғор жиҳатларини, меҳмонхоналар мажмуаси, истемолчилар хошишининг маркетинг тадқиқотини, туристик маҳсулотларини шакллантириш ва уларни тақдим этиш борасидаги илмий-амалий тадбирлар натижаларини батафсил ўрганиш лозим бўлмоқда.

Хорижий мамлакатлардаги туризм хизматлар бозорини ривожлантириш тенденциялари алоҳида давлатлар туризм бозорининг конъюнктурасини ўрганадиган бўлсак, АҚШ туризмдан олинадиган даромадларнинг “абсолют” кўрсаткичлари бўйича, шубҳасиз, етакчи ҳисобланади¹¹⁹.

Айнан, жаҳон туристик-рекреацион бозорини ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ва уларнинг илмий таҳлили, миллий ва минтақавий туризмнинг истиқболини прогнозлаш ва режалаштириш жараёнларига имкон яратади, улар аниқ туристик-рекреацион тизимни шакллантириш дастурларини ва концепциясини ишлаб чиқишда ҳисобга олинади. Илмий


¹¹⁹ <https://www.un-wto.org/statistics>

тадқиқотлар ривожланган давлатларда хизматлар соҳасида юз берадиган жараёнларнинг кўп жиҳатдан умумий хусусиятларга эга эканлигидан далолат беради, шу сабабли хориж тажрибасини маҳаллий шароитларда қўллаш мақсадида батафсил ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Халқаро даражада туристик хизматлар бозорининг ривожланиш тенденцияларини кўриб чиқишда кўпгина давлатлар учун чиқувчи туристлар оқимининг ўсиши, жумладан, 2022 йилдан кейинги даврда чиқувчи туризмнинг юқори суратларда кўпайиши кузатилмоқда. Чиқувчи оқимнинг йиллик энг юқори кўпайиш суръатлари Бирлашган Араб Амирлигида - 49,8%, Кипр мамлакатида - 40,7%, Туркия мамлакатида - 31,9% ни ташкил қилмоқда (UNWTO, 2022)

Кирувчи туризм бўйича барқарор ҳисобланган Франция давлати устун ҳисобланса, АҚШ ва Испания давлатлари эса хизмат мақсадидаги сафарлар бўйича устунлик қилмоқда (UNWTO, 2022) (1-расм).

Гонгконг 2022 йилда сайёҳлар энг кўп ташриф буюрган шаҳарлар рейтингининг 1-ўрнини эгаллади. Ушбу шаҳарга йил бошидан бери 26,7 млн киши ташриф буюрган. Бу ҳақда Эуромонитор Интернационал таҳлилий компанияси докладида маълум қилинган. Компания олиб борган тадқиқот 600 шаҳарни қамраб олган, улардан 100 таси якуний рейтингга киритилган. Экспертлар рейтингни тузишда ташрифи мақсадидан қатъий назар, шаҳарда камида бир кун ўтказган хорижий сайёҳларни ҳисобга олишган.




1-расм. Туристлар оқими бўйича энг барқарор 10 мамлакат. (мил.киши 2022 йил)¹²⁰

Статистика маҳаллий сайёҳлар, мамлакатда бир йилдан кўпроқ қолаётган ишчилар ва талабаларни ўз ичига олмаган. Рейтингнинг етакчи учталигига Бангкок (25,8 млн киши) ва Макао (20,6 млн) ҳам кирган (2-расм).

Бундан ташқари Сингапур (19,7 млн), Лондон (19,5 млн), Париж, Дубай, Нью-Йорк, Куала-Лумпур ва Хитойнинг Шенчжен шаҳарлари жой олган. Шу тариқа сайёҳлар орасида энг оммабоп шаҳарлардан 6 таси Осиёда жойлашган. Европада энг кўп ташриф буюрилувчи шаҳарлар Истанбул, Рим, Анталия, Прага, Амстердам, Барселона, Милан ва Вена бўлган. АҚШнинг сайёҳлар орасида энг оммабоп шаҳарлари Маями, Лос-Анжелес, Лас-Вегас, Орlando ва Сан-Франциско бўлган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, дунё бўйлаб сайёҳлар оқими ўтган йилгига қараганда 4.2 %га ошган. 2022 йил давомида жами 1.5 млрд мартаба саёҳатлар амалга оширилган. Шунингдек, бу саёҳатларнинг 47 %и илк 100 таликдаги шаҳарлар ҳиссасига тўғри келади.

¹²⁰ <https://tranio.ru/articles/nazvany-samye-populyarnye-i-bystrorastushie-napravleniya-mezhdunarodnogo-turizma> маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган



2-расм. Туристлар оқими бўйича энг барқарор 5 шаҳар. (мил.киши 2022 йил)¹²¹

Бугунги кунда ҳукуратимиз томонидан туризм соҳасига миллий иқтисодиётнинг стратегик сектор мақомини берилиши, унинг истиқболда ривожланишига катта замин яратди.

2022 йилдан бошлаб Ўзбекистон туризм бозори таркибидаги сифат ўзгариши ички ва ташқи туризмнинг сезиларли даражада ўсиши ҳисобига рўй берди. Буни статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди: Ўзбекистонга келган чет эл фуқаролари сонининг динамикаси бўйича сўнгги икки йил ичида сезиларли оқим кузатилди - 2017 йилда 2,8 миллион киши ва 2022 йилда 8,3 миллион киши (шу давр ичида) 3 баравар кўпайди.

Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO)нинг маълумотларига кўра Ўзбекистон 2022 йилда энг тез ривожланаётган туризм индустриясига эга давлатлар ичида 4 ўринни эгаллади¹²² (1-жадвал).

Ўзбекистонга 2023 йилнинг биринчи 5 ойлик даврида энг кўп қуйидаги давлатларнинг фуқаролари туристик мақсадда ташриф буюрганлиги аниқланди.

Тожикистон - 797,8 минг нафар, Қозоғистон - 656,5 минг нафар, Қирғизистон - 649,5 минг нафар, Россия - 279,8 минг нафар, Туркия - 39,5 минг нафар, Туркменистон - 21,2 минг нафар, Корея - 12,4 минг нафар, Ҳиндистон - 12,3 минг нафар, Хитой - 9,6 минг нафар, Германия - 9,5 минг нафар.

1-жадвал

2022 йилда ҳудудий туризм энг тез ривожланаётган давлатлар¹²³

№	Мамлакатлар номи	2021 йилга нисбатан ўсиш сурати %
1.	Мьянма	+40.2
2.	Пуэрто-Рико	+31.2
3.	Эрон	+27.9
4.	Ўзбекистон	+27.3
5.	Черногория	+21.4
6.	Миср	+21.1
7.	Вьетнам	+16.2
8.	Филиппины	+15.1
9.	Мальдив ороллари	+14.9
10.	Багама ороллари	+14.6

¹²¹ <https://go.euromonitor.com/white-paper-travel-2022-100-cities.html> маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

¹²² <https://tranio.ru/articles/nazvany-samye-populyarnye-i-bystrorastushie-napravleniya-mezhdunarodnogo-turizma>

¹²³ www.e-unwto.org.ru маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Худудий туризмни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим йўналишларидан бири жойлаштириш воситалари ва туризм инфратузилмасини ривожлантиришдан иборат. Туризмнинг моддий-техника базасини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар туристик объектларни барпо этиш, таъмирлаш ва қайта реконструкция масалаларини молиялаштиришни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширишни кўзда тутди. Бу масалада Кипр, Исроил, Туркия каби етакчи мамлакатларнинг тажрибаларини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Ушбу мамлакатларда туристик объектларни барпо этишга имтиёзли нархларда ер майдонлари ажратиш ва муайян муддатга ижарага бериш, зарур бўлган ҳолларда яна шу муддатга ижара муддатини узайтириш кўзда тutilган.

Таҳлилларга кўра жаҳон тажрибасида сўнги йилларда худудий туризмни ривожлантиришда рекреацион туризм хизматлари бир қатор давлатларда кўпроқ оммавий шакллардан ҳисобланади. Сайёҳлар Испания, Италия, Франция, Австралияга сафар қилишар экан, аввало дам олиш ва даволанишни кўзда тутдилар. Туризмнинг бу турига хос характер сайёҳатнинг давомийлигидир. Йўналишга кирувчи шаҳарлар сонининг камлиги туристнинг бир жойда узоқ муддатда бўлишга имкон яратади. Оммавий сафарнинг бошқа хусусияти эса дам олиш сафарига борганда, сайёҳнинг жойлашишида хонага бўлган талабидадир.

Маълумки, кўнгилочиш туризми бутун жаҳонда машҳурдир. Туризмнинг бу тури ранг-баранглигига қарамай, унинг турлари давомийлиги унча ката эмас, бору-йўғи 3-4 кун ҳисобланади. Европа мамлакатларида рождество байрами - турлари кенг тарқалган. Бу турлар дастури асосан кўнгилочиш (байрам тадбирларига, ресторанлар, концертлар ва бошқаларга ташриф буюриш) тадбирларидан иборат.

Кўнгил очиш ва дам олиш мақсадидаги туристик оқимлар кўпроқ оммавийлик касб этади ва бутун халқаро туризм таркибини белгилайди. Туризмнинг ушбу йўналиши Европа, Шимолий Америка, Осиё-Тинч океани мамлакатлари худудида таркиб топган. Кўнгил очиш ва дам олиш мақсадидаги туризмнинг муҳим жиҳатлари шундаки, унда ички худудий сафарлар, асосий тарзда қўшни мамлакатларда, худудлараро сафарлардан устун туради Европада ички худуд туристик оқимларга ҳамма жўнаб кетишларнинг 90% тўғри келади. Америка ва Осиёда чиқиш туризми таркибида худудлараро сафарлар ўз ўрнини мустаҳкам сақлаб турибди. БТТ прогнозлари бўйича, учинчи минг йиллик бошларида жаҳонда ички ва худудлараро туристик оқимлар бироз ўзгаради, худудлараро туристик алмашишув ички худудга нисбатан жадал ривожланади. Осиё-Тинч океани худудидан Америка ва Европага жўнаб кетувчи туристлар сони нисбатан юқори суръатларда ўсиши кутилмоқда. Бу кўп жиҳатдан умумий манзарани белгилаб беради.

Кўнгил очнш ва дам олиш мақсадидаги туризмнинг энг йирик бозори Европада ҳосил бўлган. Унинг асосан икки қисми Ғарбий ва Жанубий субрегиони алоҳида ажралиб туради. Худудга келувчи барча туристларнинг 60% уларга тўғри келади. Бу ерда Европа туристик оқимининг асоси шаклланади. БТТ маълумотларига кўра, Европада кириш туристик оқимида ички худудий сафарлар улуши чиқишга нисбатан анча кам. Бу улушлар катталиги бошқа туристик худудларда ҳам мос келмайди.

Европада ички худудий туризм характери жаҳоннинг бошқа худудларига қараганда ёрқинроқ намоён бўлади. Майдони худудига нисбаган кичик қўшни бўлиб зич жойлашган жуда кўп давлатлар ўртасида мустаҳкам иктисодий, маданий, этник алоқалар, ажойиб ер усти транспорт коммуникациялари, туристик борди-келдиларда ортиқча расмиятчиликларнинг йўқлиги, туристик инфратузилманинг ривожланганлиги, диққатга сазовар жойларнинг кўплиги ички Европа туристик алмашишувларга катта имкониятлар яратади. Европага барча келишларнинг 4/5 унинг ҳиссасига тўғри келади.

Дунё миқёси бўйича худудлараро туристик алмашишув заиф ривожланган. Унда Америка китъаси, айниқса АҚШ муҳим рол ўйнайди ва Европага келишлар сони бўйича ўнликка кирувчи европалик бўлмаган ягона мамлакат ҳисобланади. Европа ва дунёда энг кўп туристлар ташриф буюрувчи мамлакат-Франция ҳисобланади. У асосан ЕИ мамлакатларидан ва кўҳна дунёда дам олувчи ҳар бешинчи туристни қабул қилади. Нисбатан жадал туристик алмашишув Германия, Буюкбритания Италия, Испания мамлакатларида мавдуд.

Францияда қисқа муддатли сафарлар улуши ўсмоқда. Узоқ муддатли сафарлар салмоғи эса камаяпти. Франция ҳамон дунёда энг оммавий туристик йўналиш бўлиб қолмоқда. Франциядан ташқари Испания хорижлик туристларни қабул қилувчи бош Европа мамлакатлари бўлиб

хисобланмоқда. Бу икки мамлакатда ҳар йили 80 млн. дан зиёд дам олишига келувчиларни қайд этилмоқда.

Туризм соҳасида рақобатбардош сайёҳлик йўналишига ега бўлиш учун саёҳатчиларнинг ташрифи мобайнида саёҳатдан мамнун бўлишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Туризмнинг бошқа турлари каби гастрономик туризм ҳам жадал ривожланиб бормоқда чунки саёҳатчиларнинг янги там ва мазага бўлган еҳтиёжлари ортмоқда. Гастрономик туризм саёҳатчиларни маълум бир мамлакатга саёҳат давомида, у мамлакат миллий таомлари ва маданияти билан танишиш имконини беради. Статистик маълумотларга кўра саёҳатчилар харажатларининг 70% маҳаллий таомлар сотиб олишга сарфлайди. Дунёдаги энг йирик онлайн платформалардан бири TripAdvisor маълумотларига кўра, 2022 йилда Рим, Италия, Лондон, Буюк Британия, Бангкок, Таиланд ва Сингапур мамлакатлари энг кўп ташриф буюрилган гастрономик давлатлар эканлиги аниқланди.

Туркия бутун дунё туристларни жалб қилишда бир қанча самарали методларни қўллашган жумладан ўзининг ошпазлик маданияти билан гастрономик туризм салоҳиятига ега мамлакатлардан бири ҳисобланади. Гастрономия туризмни ривожлантириш мақсадида Туркия ўз ошхонасини оммалаштириш, пазандачилик анъаналари ҳақида хабардорликни ошириш ва бутун дунё бўйлаб таом ихлосмандларини жалб қилиш бўйича саъй-ҳаракатларини кенгайтирмоқда. Маҳаллий турк ресторанилари ва жойларини тақдим этувчи йиллик қўлланма Pearl Gastronomy Guide билан тўртинчи мартаба ўтказилган Pearl Awards маросимида 10 лаб “pearl” қўлга киритди.

2023 йил 1 феврал press клубда Туркия Маданият ва туризм вазирлиги мамлакатнинг 2022 йилги туризм натижаларини еълон қилди. Туркия божхона маълумотларига кўра, 2022 йилда Туркияга ташриф буюрган сайёҳлар сони 51,4 миллион кишидан ошди, бу пандемиядан олдинги рекорд йил бўлган 2019 йилдаги 51,8 миллионнинг 99 фоизини ташкил этади. Бу рақам билан Туркия дунёнинг учинчи йирик туризм бозорига айланганлигини кўрсатади.

Истанбулда саёҳатчилар учун махсус “**Food & gourmet tours**” тур пакетлар ташкил қилинган бўлиб, 54 турдаги тур пакетларни таклиф қилади. Тур давомида саёҳатчилар Истанбул бўйлаб саёҳатда турк ошхонасининг энг яхши таомлари, 154 йиллик оилавий рестораниларда классик Искандар кабоб, дунёга машхур турк музқаймоқлари, пахлава, турк қаҳваси ва бошқаларни татиб кўришлари мумкин. бу еса Истанбулда гастронимис туризм ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Туркия гастрономик туризмнинг асосий мақсади турк миллий ошхонасини тарғиб қилиш, бунда мамлакат кўплаб веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар асосан инстаграм орқали ўзларининг ошпазлик маҳорати ва таомларини таништириб борадилар.

Жаҳон тажрибасидан шуни кузатиш мумкинки ҳар бир давлат ҳудудий туризмни ривожлантириш учун ресурслардан максимал даражада фойдаланкан. Таҳлиллар шуни кўрсатадики иқтисодиёти ривожланган давлатлар хизматлар соҳаси билан баробар равишда туризм хизматларини ривожлантирган.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтганда жаҳонда сўнгги йиллардаги иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ўзгаришлар иқтисодиёт тармоқларининг хўжалик фаолиятида, шунингдек уллардаги бошқарув тизимининг ҳам тузилмавий ўзгаришини тақозо этмоқда. Давлат томонидан ҳудудларда туризм соҳасини яхлит ривожлан-тиришга таъсир кўрсатиш сиёсати ҳудудларда муҳим аҳамиятга эга. Туризмга стратегик мақомининг берилиши ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ислохотлар ва туризмга бўлган эътиборнинг ортиши мазкур соҳада тадқиқотларнинг кенгайишига олиб келди. Ўзбекистон Ресубликасида 2025 йилгача бўлган даврда туризм соҳасини ривожлантириш Концециясига кўра, туризм соҳасида давлат сиёсатининг асосий мақсади ҳудудий туризмни барқарор ривожлантириш асосида туризм хизматлар бозорини барқарор ривожланишига эришишни таъминлашга қаратилди.

Бизнинг фикримизча, ҳудудий туризмни ривожлантиришда иқтисодий самарадорликни оширишнинг объектив зарурияти ва аҳамияти сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитда хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий, иқтисодий ҳаётдаги мавқеи ва ролини ҳар томонлама оширишни таъминлаш;
- Ўзбекистонда ҳудудий туризмни ривожлантиришда мазкур хизмат турлари доирасида туристлар оқимини жалб қилишга муҳим масала сифатида қараш;

- Ўзбекистонда туризм бозорини ривожлантиришнинг бугунги босқичида давлат ташкилотларининг асосий вазифаси хорижий туристлар билан бир қаторда маҳаллий туристларини ички бозорга йўналтириш;

- ҳудудий туристик ресурсларни ривожлантириш, туристик-рекреацион салоҳиятидан самарали фойдапаниш;

- соҳада эркин рақобатни рағбатлантириш мақсадида бозор тизимининг самарали амал қилишига имкон туғдирувчи ҳуқуқий асос ва ижтимоий-иқтисодий муҳитни таъминлаш;

- туристик хизматлар бозорида рақобатни ҳимоя қилиш.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Amonboyev M., Abidova D.I., Jurayeva N.A. (2019) *Turizm iqtisodiyoti va menejmenti. O'quv qo'llanma.* – T.: "IQTISODIYOT", - 226 bet.

Dustmurodov O. (2022) *Objective necessity and importance of the development of territorial tourism in the conditions of the formation of the digital economy. Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development.*

UNWTO, (2022) *United Nations World Tourism Organization. Yearbook of Tourism Statistics. Madrid:*

Абдувоҳидов А.М., Баходиров М.Қ. (2019) *Туризм ривожланишининг таҳлили ва прогнози. Мақолалар тўплами Т.: "IQTISODIYOT".*

Алимова М.Т. (2017) *Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида) // И.ф.д. дисс. – Самарқанд: СамИСИ, 25-26-б.*

Сурков С.Г., Криворучко В.И. (2009) *Международный туризм в России: проблемы развития и управления.* – М.: Советский спорт, . – 214 с.

Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. (2014) *Туризм асослари. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.* – Т.: «Fan va texnologiya», 151-б.